



ВАТАНПАРВАР



УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА
 ВАЗИРЛИГИ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ
 ОРГАНИНИНГ МАХСУС СОНИ
 ● 1997 йил, 11 сентябрь, ПАЙШАНБА № 109 (905)
 Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.
 ● Сотувда эркин нархда.

СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК ЦЕНТРАЛЬНОГО
 ПЕЧАТНОГО ОРГАНА МИНИСТЕРСТВА
 ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
 ● ЧЕТВЕРГ, 11 сентября, 1997 г. № 109 (905)
 Газета издается с 24 июня 1992 г.
 ● В розницу — цена свободная.

● Ташкент
 ● Алматы
 ● Москва
 (OPT: Росс. ТВ; ТВ-6)

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТЕННИС БУЙИЧА УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ КУБОГИ УЧУН УТКАЗИЛАЭТГАН ТУРТИНЧИ ХАЛҚАРО МУСОБАҚАНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДА СЎЗЛАГАН

Н У Т Қ И



Хонимлар ва жаноблар!
 Муҳтарам меҳмонлар!
 Азиз дўстлар!
 Бугун бу ерда теннис буйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Кубоги учун ўтказилаётган мусобақанинг барча иштирокчилари ва ташкилотчиларини табриклаш менга улкан мамнуният бахш этади. Теннис буйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Кубоги учун мусобақа ўтказила бошлангани, айтиш мумкинки, катта теннис тарқиғининг янги равишда топа бошлаганидан бери атиги тўрт йил ўтди.

Мана шундай қисқа муддат ичида спортнинг бу жонивали ва гўзал тури Ўзбекистон аҳолиси, энг аввало, ўсиб келаётган ёш авлод ўртасида энг оммавий ва сеvimли машғулотлардан бирига айланиб қолди.

Тошкент эса, ҳақиқатан ҳам, жаҳондаги теннис яши ривожланган спортчилар ва катта теннис мухлисларининг диққатини тортадиган нуфузли халқаро мусобақалар ўтказилиб туриладиган марказлардан бирига айланди.

Мазкур мусобақа бунинг яққол исботидир. Менинг мазкур мусобақа ташкилотчилари — энг аввало, қадрдонимиз, сингалган дўстимиз, мана шундай мусобақаларни уюштириш борасида ниҳоятда кўп хизмати синган жаноб Сассон Какшурига чуқур миннатдор-

лик билдиришимга ижозат бергайсизлар.

Мен, шунингдек, Президент Кубоги учун ўтказилаётган мусобақа директори жаноб Ян Форман ҳамда мусобақанинг бош ҳаками жаноб Дани Галини ҳам муборакбод этаман.

Мен турли мамлакат ва минтақалардан диёримизга ташриф буюрган барча мусобақа иштирокчиларига миннатдорлик изҳор этаман. Мусобақа иштирокчилари орасида ўзларининг ажойиб галабалари билан спортнинг бу гўзал тури — теннисда жаҳонга донги кетган атоқли спортчиларни муборакбод этишдан мамнунман. Россиялик Евгений Кафельниковни, Буюк британиялик Тим Хенменни, швейцариялик Марк Россени, испаниялик Хавьер Санчесни, марокашлик Хисом Оразийни, германиялик Николас Тиферни, АҚШлик Винсент Спэдени муборакбод этаман. Шунингдек, ўзларининг чиройли ва мазмули ўйинлари билан бизни, шубҳасиз, хурсанд этадиган барча номдор мусобақа иштирокчиларини қутлаш менга улкан мамнуният бахш этади.

Ўзбекистон Президенти Кубоги мусобақасига бу даражада юқори мақом бериб, унга янада ўзгача жозиба ва нуфуз бахш этгани учун Профессинал теннисчилар уюшмасига (Ай-Ти-Пи) самимий миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсизлар.

Барча тошкентликлар ва Ўзбекистон аҳолиси номи-

дан мана шундай ажойиб Теннис саройини бунёд этган меъморлар, қурувчилар ҳамда бундай гўзал нишоотни бунёд этишда фидокорона меҳнати синган ҳар бир кишига миннатдорлик изҳор этаман. Бу сарой спортчилар ҳамда миллионлаб спорт мухлисларига жуда кўп хурсандлик ва мамнуният бахш этишига шубҳа йўқ.

Барчангизни мазкур ажойиб спорт байрами билан табриклайман.

Сизларни бугун чехрангизда балқ уриб турган мамнуният, хурсандлик туйғуси ҳеч қачон тарк этмасин!

Барчангизга сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат тилайман, азиз дўстлар!

Энди эса, мана шу залда ҳозир бўлганлардан мусобақанинг барча иштирокчиларини тик туриб қутлаш ҳамда уларга сиҳат-саломатлик ва мусобақада муваффақият тилашни илтимос қилган бўлардим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Кубоги учун туртинчи марта ўтказилаётган мусобақани очиб деб эълон қиламан!

Теннис байрами бошланди!

Мустақил Ўзбекистонда нафақат иқтисодий, балки маданият, санъат ва спортни ривожлантиришга ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Диёримизда қарор топган тинчлик, осойишталик бунинг асосий омил бўлаётди. Қуни кеча катта муваффақият билан ўтган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали қатнашчилари билан хайрлашган бўлсак, бугун энг оммавий спорт турларидан бири — теннис юлдузлари — «Президент Кубоги» анъанавий турнири қатнашчиларини муборакбод этиб турибмиз.

Мамлакатимиз раҳбари Ислон Каримов ташаббус билан бошланган мазкур турнирнинг спорт оламидаги нуфузи йилдан-йилга ортиб бораётди. Бу галги мусобақада машҳур Уимблдон турнири, АҚШ, Австралия, Франция очик чемпионатлари чорак финалида иштирок этган теннисчиларнинг қатнашуви бунинг ёркин исботидир.

9 сентябрь куни Тошкентдаги «Юнусобод» теннис мажмуида қуриб битказилган янги муҳташам теннис саройи жамоатчилик вакиллари, Тошкентда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари, спорт мухлислари, меҳмонлар билан тўлди. Бу ерда туртинчи бор ўтказилаётган «Президент Кубоги» турнирининг тантанали очилиш маросими бўлди.

...Майдонга Ўзбекистон теннисининг келажаги — жакжи кичкинтойлар кириб келади. Улар минглаб томошабинларнинг олқишлари остида теннис сирларини

эгаллаб бораётганликларини намойиш этадилар. Сўнгра мусобақа қатнашчилари бўлган мамлакатларнинг байроқлари олиб кирилади.

Тантанали маросим қатнашчилари Ўзбекистон Президенти Ислон Каримовни олқишлар билан кутиб оладилар.

Маросимни халқаро теннис мусобақалари ташкилотчиси Сассон Какшури очди. У теннисни ривожлантириш ва оммалаштириш борасидаги саъй-ҳаракатлари учун Президент Ислон Каримовга, республика ҳукумати ва мазкур мусобақа ташкилотчиларига миннатдорлик изҳор этди. Томошабинларни турнир дунё миқёсида юксак мавқега эга бўлаётгани билан қутлади. Мусобақалар дўстлик ва кескин спорт курашлари остида ўтади деб ишонч

билдирди.

Турнирни расман очиб учун Президент Ислон Каримовга сўз берилди. Давлатимиз раҳбари анъанавий турнир қатнашчилари, ташкилотчилари ва меҳмонларини нуфузли спорт байрами билан қутлаб, мусобақа иштирокчиларига муваффақиятлар тилди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистонда спортни, хусусан, теннисни ривожлантиришга катта гамхўрлик қилинмоқда. Шунинг натижаси ўлароқ мамлакатимизда бу борада талайгина ибратли ишлар амалга оширилди. Пойтахтимиз Тошкентда, барча вилоят марказларида, кўп-кўп шаҳар ва қишлоқларда теннис кортлари бунёд қилинди. Бу ишлар изчил давом этмоқда. «Хавас», «Ибрат» каби турнирлар мунтазам ўтказилаётди. Теннис минглаб ҳамюртларимизнинг сеvimли машғулотига айланмоқда. Колаверса, спорт — мамлакат иқ-

тисодий, маданий ҳаётнинг кўзгусидир. Бинобарин, бу соҳадаги хайрли ишлар Ватанимизнинг халқаро миқёсдаги обрўйига обрў қўшмоқда.

«Президент Кубоги» турнири очик деб эълон қилинади. Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграб, Ватанимиз байроғи кўтарилади. Шундан кейин франциялик Тьерн Чемпион билан Буюк Британия вакили Тим Хенмен майдонга тушади. Қизгин спорт беллашуви бошланади.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, мазкур турнирнинг ўтказиш ташкилий кўмитаси раиси И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Олий Мажлис Раисининг, Бош вазирнинг ўринбосарлари, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов қатнашди. (ЎЗА).



● УЛАРДАН ҲРИАК ОЛИШАДИ

Енилги кувчилик касби бир қарашда осондек туюлиши мумкин. Аммо ҳар бир касбнинг ўзига яраша машаққатлари, нозик томонлари бўлади. Оддий аскар Холмамат Одиловнинг масъулияти ҳам жуда катта. Қишми, ёзи, кечикишга, жанговар машиналарни «озу-қасиз» қолдиришга ҳаққи йўқ. Шунинг учун ҳам хизматдошлари уни доим енилги қуяётган ёки қаергадир шошиб кетаётган пайтини кўришади.

Ш. ЗУФАРОВ суратга олган.

Олқишлардан сарой ларзага келди

Бундан тўрт йил аввал, теннис буйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Кубоги учун мусобақа илк бор ўтказилганда, биз бу турнирда дунёнинг кучли спортчилари иштирок этишини орзу қилгандик. Мана, орадан кўп вақт ўтмай бу орауимиз рўёбга чиқди.

Биз бугун «Юнусобод» теннис мажмуи кортларида жаҳоннинг энг сара теннисчилари ҳисобланмиш россиялик Евгений Кафельников, Буюк британиялик Тим Хенмен, швейцариялик Марк Росс ва бошқа кўп-кўп мусобақаларда қатнашиб, анча тажриба ортирган спортчиларнинг ўйинини томоша қилишимиз мумкин.

Мусобақанинг ҳис-ҳал-жонларга бой бўлган тантанали очилиш маросимидан сўнг кортга чиққан Тим Хенман ва Тьерн Чемпион-

ларнинг баҳси жуда қизиқarli ўтди. Франциялик бўлмиш Чемпион жаҳон таснифида 237-ўринни эгаллашга қарамай ўздан анча ёш Тим Хенманга (таснифда 21-ўрин) қаттиқ қаршилик кўрсата олди. Биринчи сетни 6:4 ҳисобида бой берган Чемпион, иккинчида ўйинни тай-брекка етказди ва бор маҳоратини ишга солиб, галабага эришди. Ҳал қилувчи учинчи сет ҳам тенг курашда ўтди. Ҳисоб 6:6. Яна тай-брек. Наҳотки голибликка даъвогарлардан бири кортдан бош эгиб чиқиб кетса? Хенман мана шу ҳаяжонли дақиқаларда ўзини қўлга олди ва турнирнинг иккинчи «ракетка»си эканлигини исботлади. Шундай қилиб, у умумий 2:1 ҳисобида устун келиб, кейинги босқичга чиқди.

Навбатдаги учрашувни

эса йиғилганлар, айниқса, сабрсизлик билан кутардилар. Унда ҳамюртимиш Дмитрий Томашевич ва жаҳон таснифида 4-ўринни эгаллаб турган Евгений Кафельниковлар майдонга тушишди. Дмитрий Томашевич саралаш ўйинларида россиялик Андрей Павлов ва ватандошимиз Темур Ғаниевларни доғда қолдирганди. Аммо бу сафарги рақибининг маҳорати Дмитрийниқидан анча устун эди. Шунинг учун бўлса керак биринчи сетда Кафельников 3:0, кейинроқ 4:1 ҳисобида олдинда бораётганда, мухлислар Евгений бугун осонгина галаба қозонади, деб ўйлаган эди. Бироқ Томашевич бўш келишни истамади ва кетма-кет үч геймни ўз фойдасига ҳал қилиб, ҳисоби тенглаштирди.

(Давоми 8-бетда.)

● О ТЕХ, КТО РЯДОМ

ТОВАРИЩ ЗА ТОВАРИЩА

В роте, которой командует старший лейтенант Х. Шеров, служат немало воинов, честно и добросовестно выполняющих свой служебный долг. В числе лучших — отделение рядового Равнака Рузиева.

Призывался Равнак из колхоза «Зарафшан» Джандорского района Бухарской области. Закончил среднюю школу. Во время учебы часто наведывался в колхозные мастерские — нравилось ему возиться с техникой. И вот после получения аттестата зрелости он пришел сюда учеником. А вскоре стал работать самостоятельно, приобретая под руководством старших товарищей специальность автослесаря.

Пригодилась она ему и в армии. Хорошо выполнял свои обязанности солдат по ремонту боевой техники. Но вскоре командование перевело его на новое место, назначив командиром отделения караульной службы.

И тут рядовой Р. Рузиев своим добросовестным отношением к делу еще раз доказал, что не место красит человека, а человек — мес-

то. С ребятами сошелся быстро. Вскоре о каждом из своих подчиненных он знал буквально все — автобиографические данные, увлечения, наклонности, привычки. В соответствии с этим и строил свою работу.

А начал он с воспитания воинов твердого убеждения жить, служить, учиться по уставам. Вскоре в отделении был достигнут четкий порядок. Неукоснительно выполнялись все запланированные на день мероприятия. По назначению использовалась каждая минута учебного времени.

— Особое внимание, — говорит рядовой Р. Рузиев, — я уделял, да и сейчас уделяю разъяснению Устава гарнизонной и караульной служб. С этой целью в зависимости от обстоятельств провожу беседы — индивидуальные и коллек-

тивные.

Все воины отделения хорошо уяснили, что часовой должен бдительно охранять и защищать свой пост. И ни при каких обстоятельствах не имеет права оставить его, пока не будет сменен или снят. Именно так и действуют подчиненные рядового Р. Рузиева, показывая достойный пример в выполнении правил караульной службы, оказывая положительное влияние на своих товарищей по коллективу.

А положительное влияние на своих подчиненных в первую очередь оказывает сам командир отделения. Рядовой Р. Рузиев — во всем для них пример. Он добивается высоких результатов по огневой, физической подготовке, другим дисциплинам, член сборной команды подразделения по футболу. Неоднократно поощрялся командованием. Ему был предоставлен краткосрочный отпуск с выездом на родину.

Под стать командиру и его подчиненные. Постоянно

проявляют на посту бдительность, дисциплинированность, старший стрелок Д. Абдуллаев, стрелки рядовые Э. Каримов, Ф. Абдуллаев, Х. Расулов и другие. Все они — отличники боевой и общественно-политической подготовки. За добросовестное отношение к службе имеют немало поощрений.

Так, старший стрелок Д. Абдуллаев за время службы задержал немало нарушителей. На посту всегда действует в соответствии с уставом. Первый помощник командира отделения во всех делах. Поощрен отпуском.

Рядовой Х. Расулов, Отличный воин. Служивцы уважают его за честность, принципиальность, отзывчивость. Он также побывал в отпуске.

Все солдаты этого отделения активно участвуют в общественной жизни подразделения, занимаются спортом, надежные друзья, готовые в любую минуту протянуть руку помощи.

А призывались все они из Бухарской и Кашкадарьинской областей. Так что земляки могут гордиться успехами этих воинов.

Б. СЕРГЕЕВ.

МУКОФОТНИНГ ЭНГ ШИРИНИ

Яхши хизмат қилаётган аскарни албатта рағбатлантириб туриш лозим. Бу уни янада яхши хизмат қилишга ундайди. Раҳматнома ҳам керак, ота-онасига миннатдорчилик мактуби ҳам керак, Бироқ, аскарлар орасида мукофотнинг энг ширини деган бир тушунча бор. Бу қандай энг ширин мукофот дейсизми?! Аскар учун ўз ота-онаси олдида бориб келиш учун бериладиган қисқача таътил мукофотнинг энг ширини ҳисобланади.

Яқинда подполковник И. Худойбердиев қумондонлик қилаётган қисмда оддий аскарлар О. Эргашев, А. Бозоров, Ж. Султоновларга жанговар, ижтимоий-сиёсий, тайёргарликда эришадиган муваффақиятлари учун мукофотнинг энг ширини — қисқа муддатли таътил теғди.

Аскарлар шунинг яхши билишадигани, мукофотнинг энг ширини бекорга берилмайди. Бунинг учун ҳар томонлама ўрнак бўлиш, намуна бўлиш керак.

Ниятимиз, ҳар бир аскарга ана шундай мукофот насиб этаверсин!

Капитан А. ОБРУЕВ.

Аъло хизматимиз билан

Мен армияга Сурхондарё вилояти мудофаа ишлари бошқармасидан қақрилганман. Айни пайда офицер Х. Қодиров бошқараётган қисмда ўз йигитлик бурчимни шараф билан адо этапман. Даставвал қийин бўлиб кўринган қаттиқ интизом ва хизматга кўникиб кетдик. Хозир кундалида ўтказилаётган жанговар, ижтимоий-сиёсий, техник ва бошқа махсус тайёргарликларда зўр иштиёқ билан қатнашамиз. Қийинчилик ёки камчиликлар йўқ. Чунки қисмимизда жангчиларнинг аъло хизмат қилишлари учун барча зарур шароитлар муҳайё этилган.

Шахсан мен жисмоний машғулотларда ўзгача мароқ билан қатнашаман. Зеро, ҳар кун эрталаб уйкудан турган заҳотиёқ олис масофага югуриш бизда одат тусига кирган. Шундан кейин турли гимнастика машқларини бажаргач, спорт майдончасига ўтамиз. Бу ерда ҳам ҳавасга шуғулланамиз. Масалан, мен турнирда тортилиш ҳамда анча тажриба ва куч талаб этувчи машқларни бажаришни ёқтираман. Айниқса, кичик командиримиз кўмагида «қуёшча» машини ба-

жариб, олам-олам завқ олам.

Дам олиш кунлари қисмимиз шахсий таркиби футбол, волейбол, кураш, шахматшашка каби спорт ўйинлари бўйича ўзаро командалар ўртасида куч синашадилар. Бундай тадбирларда сўзсиз командирларимизнинг бевоқиф қатнашиши мусобақаларнинг янада қизиқарли ва жозибали ўтишини такозо этаётир.

Хуллас, ҳарбий хизматимиз кўнгилдагидек ўтаётир. Энг муҳими, бу ерда мен ота-она, дўст кадр-қимматининг нечоғлик буюқ эканлигини англаб етдим. Ҳар қандай қийинчиликни бартараф этиш ёки топшириқларни талаб даражасида уйдлаш учун масъулият ҳисси билан ёндашим. Иродани сусайтирмаган ҳолда курашим лозимлигини уқиб олдим.

Келгуси йил баҳорда хизмат муддатим тугайди. Бироқ мен шу кадрдон қисмимизда қолиб, ҳаётимни Ватан ҳимоячиси бўлишдек, шарафли ишга бахшида этишни ният қилдим. Бу йўлда менга устоз-командирларим мададкор бўлишларига ишонаман.

Оддий аскар Т. БУРИЕВ, Сирдарё гарнизони.



Десантчилар ротаси командири катта лейтенант Анвар Хонимқулов амалий машғулот натижаларидан мамнун. Бугун ҳам аскарлар барча машқларни бийойидек бажаришди. Ш. ЗУФАРОВ сурати.

Тадбиркор ўринбосар

Катта лейтенант Искандар Мирзаев ҳар ишни ўйлаб, пухта бажаради. Ана шунинг учун бўлса керак унинг қўл остидаги аскарлардан биронтаси интизомни бузибди, деб эшитмайсиз. У аскарларга содиқ дўст бўлиб қолган. Ротанинг доим илғорлар сафида юришининг боиси ҳам шунда.

Сафдошлари ўртасида обрў-эътиборга эга катта лейтенант аини пайтада моддий таъминот ротаси командирининг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосари лавозимида хизмат қилаётти. Бу рота зиммасига ҳам масъулиятли вазифалар юкланган. Буларнинг ҳаммасини аскарларга бирма-бир тушунтириб, улардаги иштиёқ ва ҳавасни шакллантириб боришнинг ўзи бўлмайди, албатта.

Искандар Мирзаев тажрибали офицер. Унинг қўл остида хизмат қилаётган сержанту аскарлар бунинг яхши билишадигани. Шунинг учун ҳам унинг ҳар бир топшириқ ва буйруғини сўзсиз бажаришадигани.

Ротадаги барча маданият-маърифий ҳамда ижтимоий-

сиёсий тадбирлар аниқ дастур асосида қизиқарли тарзда ўтказилади. Ёзги мавсум ўқув машғулотларини муваффақиятли тугаллаётган жамоанинг ҳар бир ютуғида командир ўринбосари Искандар Мирзаевнинг ҳиссаси катта. Яқинда у хайрли бир ташаббусни кўтариб чиқди. Ҳар қайси аскарнинг туғилган кунига қўл соати совға қилишни таклиф этди. Бунинг барча бирдай қўллаб-қувватлади.

Ҳақиқатан ҳам моддий таъминот ротаси йигитлари учун ҳар бир дақиқа жуда қимматли эканлигини ҳисобга оладиган бўлсан, бу ниҳоятда хайрли тадбир. Айтиш мумкинки, катта лейтенант Искандар Мирзаев хизмат қилаётган моддий таъминот ротаси батальоннинг асосий бир бўлаги саналади. Жанговар-ўқув машғулотлари пайтида катта масъулият ушбу ротанинг зиммасига тушади. Рота эса ҳар бир сонияни ғанимат билиб, белгиланган рақибли эҳтиёт билан адо этиши лозим.

У. ҲАЙДАВОЛОВ.

● СОЛДАТСКАЯ ПОЧТА Хочу остаться

Вот уже почти год я служу в Сырдарьинском гарнизоне. В нашем подразделении мне очень нравится. Здесь есть все, что необходимо солдату, — хорошая баня, душ, горячая вода... Перед сном обычно — только приятные воспоминания о прожитом дне. Каждую субботу и воскресенье нас отпускают в увольнение. Кто не хочет — остается в части. Здесь можно поиграть в футбол, волейбол, заняться боксом, национальной борьбой... В общем не соскучишься.

Кормят хорошо. Часто едим на экскурсии в Ташкент, ходим по музеям, гуляем в парках.

Ко многим из нас часто приезжают родители. Вместе справляем праздники, дни рождения.

По окончании срочной у меня есть огромное желание остаться на сверхсрочную службу в этой же части. Хочу остаться в армии.

Рядовой Р. ГУМЕРОВ.

Рота фахри

Кичик сержант Фахриддин Жумаевнинг номини ротада фахр ва ифтихор билан тилга олишди. Бунинг боиси бор, албатта. Фахриддин таълим-тарбияда доим меҳрибон бўлиш билан бирга аскарларга қўн билан сабоқ беради. Унинг иш услубидан бошқа взводдаги сержантлар ҳам ўрнак олишадигани. У бу обрўга ўзининг бурчини ҳалол ҳамда садоқат билан бажариши билангина эришди. Ундаги тиришқоқлик, меҳнатсеварлик хусусиятларини англаган командир уни взвод командирининг ўринбосари лавозимигача кўтарди.

Фахриддин ҳарбий Низом қоидалари ва командирларининг топшириқларини сўзсиз муваффақиятли бажариб, барчанинг кўнглидан муҳим ўрин эгаллади. Рота старшинаси прапорщик Равшан Нийёзов у ҳақида шундай дейди:

— Кичик сержант Фахриддин Жумаев масъулият билан ўз бурчини ўтайди. Она-Ватан олдидаги аскарлик бурчини аъло даражада адо этмоқда. Шу сабабли ҳам у қўл остидаги посбонларга ҳарб илми сирларини қўн билан сингдиради. Взводда жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарликларда ўзаро дўстликни узвий таъминламоқда. Унинг ҳар бир сўзи сафдошларини Низом талаблари асосида хизмат қилишга ундайди. Шу сабабдан ҳам унинг взводи катта муваффақиятларга эришяпти.

Ҳа, мустақил мамлакатимизнинг мудофаа қудрати ва салоҳиятини янада ошириш йўлида ҳормай-толмай виждонан хизмат қилаётган Фахриддиннинг олдида ҳали улкан синовлар турибди. Биз унга бу ишларидега омад тилаб қоламиз.

Мирзабек АЛЛАЕВ.

● К 2500-ЛЕТИЮ БУХАРЫ

«Как живешь, наш город под Луной?»

Накануне 6-й годовщины независимости в гости к сыну рядовому Фирузу Хусенову приехала из Бухары мать — Санобар-опа. Ее сразу окружили сослуживцы Фируза.

— Из Бухары?! Как там наш город?

— Как готовится к юбилею?

Эти вопросы посыпались со всех сторон, в том числе и от воинов из других городов и районов Узбекистана.

Санобар-опа, работающая учительницей, успокоившись от пережитого волнения после встречи с сыном, начала рассказывать: идет большая подготовка к славному юбилею города песен и седых легенд, многое уже сделано, город похорошел. Благоустроены улицы, парки и скверы, очищены арыки, все оросительные системы. Праздничный вид приобрели проспекты, еще идет, а кое-где уже и закончена реставрация многих исторических зданий.

— Мама, — подсказал Фируз, — когда я уходил в армию, начиналось строительство.

— Да-да, — сразу поняла Санобар-опа, — уже закончено строительство площади им. Файзуллы Ходжаева, а также дома-музея Абдурауфа Фитрата, с новой гостиницы «Бухоро» — она уже работает. Появился прекрасный сквер имени Амира Темура.

— Мы знаем из передач телевидения, радио и газет, что в Бухаре очень много

мастеров занято реставрационными работами... — вступил в разговор сержант сверхсрочной службы Джуррабек Ашуров. Он, как и сын гости, — уроженец Бухары. Служил срочную в этой же воинской части и остался здесь на сверхсрочную.

— Верно, — подхватила Санобар-опа, — идет реставрация таких исторических памятников, как Чор-Минор, Номозгох, Чашман Айюб и многих других. Работы ведут лучшие керамисты, каменщики, резчики по камню и дереву. Своим традиционное слово говорит и хашар, методом которого работают прибывшие в Бухару труженники Бухарского, Алатского, Каракульского, Каганского, Джандорского районов. Среди них немало вчерашних воинов. Они помогают реставрировать медресе Модарихон, Абдуллахон, Кукалдош, исторические памятники, ведут благоустройство прилегающих к медресе и памятникам территорий.

В реставрации уникальных памятников участвуют сотни мастеров из Хивы, Самарканда, Карши, Шахрисабза, Ташкента, Ферганы, Навоийской и Джизакской областей. Силами, мастерством и умением всей республики обновляется, приобретает новую молодость благословенная Бухара.

— Я сам из Бухары, — сказал Мадамин Давронов, — а не знаю, почему она называется благословенной...

— В этом городе, — сказала Санобар-опа, — считали для себя большой честью трудиться великие мыслители Востока — Авиценна, аль-Бухари и многие другие. Они-то и прославили город и дали ему имя — Бухоро-и-Шариф — Благословенная Бухара.

Сейчас город, стоявший по середине Великого шелкового пути — от Дальнего Востока до Европы, расположен почти в самом центре Республики Узбекистан — государства, которое занимает ведущее место не только среди стран Центральной Азии. Этот факт особенно повышает значение юбилея Бухары. Как и легендарная Хива, благородная Бухара приковала взоры всего мира. Будучи древнейшим очагом культуры, науки и образования, она дала миру целую плеяду исторических деятелей, внесших бесценный вклад в сокровищницу человеческой цивилизации, и вместе с Хивой оказала самое непосредственное влияние на формирование научного мировоззрения многих ученых эпохи Возрождения.

— Да, мы знаем, — продолжил Джуррабек Ашуров, — что Бухара и Хива включены ЮНЕСКО в список объектов культуры и архитектуры, считающихся достоянием всего человечества. Об этом, как известно из печати, не так давно говорилось в столице Франции, где прошло празднование 2500-летия городов Бухары и Хивы — исторических и архитектурных жем.

чужин Узбекистана. Далее солдаты вели речь о том, что Узбекистан у всех — один, Родина — одна, а они — ее защитники — с оружием в руках охраняют мирный труд народа.

— Вот и расскажите, — улыбнулась Санобар-опа, — как идет у вас служба, трудно ли вам?

Воины рассказали, что на первых порах было нелегко, но потом все вошло в свою колею. Служба уже не кажется тяжелой. Все хорошо одеты, обуты и накормлены. Каждый стал настоящим солдатом, в том числе и сын Санобар-опы Фируз Хусенов. Пусть знают об этом отец Камол-ота, брат Фарход и сестра Зарина.

— Обязательно расскажу им о тебе, сынок, — сказала Санобар-опа. — Обо всех вас, ребята, расскажу дома. Служите и дальше хорошо и честно.

В праздничном приказе в честь 6-й годовщины независимости Республики Узбекистан, наряду с другими, были отмечены и многие солдаты — уроженцы Бухары. Так, младшему сержанту М. Давронову было присвоено очередное воинское звание сержант, а сержанту сверхсрочной службы Д. Ашурову — старший сержант. Были поощрены и солдаты, участвовавшие в беседе с солдатской матерью, — Д. Пармонов, М. Шарипов, М. Яхшиев, Р. Рузиев и другие. Ну а ее сын, Фируз Хусенов за свою службу не раз удостоивался поощрений. Сейчас он готовится к увольнению в запас — как раз к празднованию 2500-летия Бухары.

А. ВАЛУИСКИЙ,
журналист.



БУЭНОС-АЙРЕС. Аргентинанинг Кордова вилоятида АҚШ ҳарбийлари ҳамкорлигида ўқув машқлари бошланди. Унда 2500 дан ортиқ аскар ва зобит иштирок этмоқда.

Босиб олинган ерларни озод қилиш тadbирлари ишлаб чиқилаётган мазкур машқларда АҚШ ҳарбий ҳаво кучларининг «Геркулес-130» русумли самолётлари ҳамда турли русумдаги жанговар вертолётлар қўлланилмоқда.

АВСТРАЛИЯДА ўтказилган сўров натижаларига кўра, умумий аҳолининг 53 фоизи мамлакатда конституциявий монархия тизими ўрнига давлат бошқарувининг республика шаклини ўрнатish тарафдори экани маълум бўлди. 90-йиллар бошида бу рақам 46 фоизни ташкил этар. 1996 йилги сайловда консерватив коалиция ғолиб чиққач, бу йўлдаги ҳаракатлар яна ҳам сушайган эди.

Айрим кузатувчилар австралияликлар орасида республикачилик кайфиятининг бундай кўтарилишини малика Диананинг ўлими ҳамда Англия ва бошқа мамлакатларда монархияга қарши чиқишлар фаоллашгани билан боғламоқда.

Маълумки, XX аср бошидан буй Австрияда давлатнинг рамзий раҳбари Буюк Британия қироличаси саналади.

ВАШИНГТОН. АҚШда янги Ф-22 русумли қирувчи самолёт муваффақият билан синовдан ўтказилди. Мазкур самолёт «Стелс» технологияси асосида ишланган бўлиб, радарларга «кўринмайди».

Пентагон маъмурияти ҳозирда ушбу самолётдан 339 дона харид қилишни режалаштирди. 2005 йилга бориб, АҚШ армиясидаги Ф-15, Ф-17 русумли қирувчи самолётлар ўрнини эгаллайдиган мазкур самолётнинг афзаллиги шундаки, у битта компьютер орқали бошқарилади. Ф-15 ва Ф-17 да эса, бошқарув тизимида бир неча компьютер ишлайди.

ЯПОНИЯДА 100 ёшдан ўтган кексалар сони ортиб бормоқда, дейилади мамлакат соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот вазирлиги берган баёнотда.

Мутахассисларнинг фикрича, яна икки йилдан кейин Японияда 100 ёшдан ҳатлаган қариялар сони 10 миңдан ошади. Айти пайтда улар сони 8 ярим миңга етган. Шуниси диққатга сазоворки, юз ёшлик кексаларнинг 80 фоиздан кўпроги аёллардир.

ПЕКИН. АҚШ разведкаси томонидан бу ерда тарқатилган маълумотларга кўра, 2005 йилга бориб Хитой ҳарбий ҳаво кучларининг қудрати Тайванниқидан ўтиб кетар экан.

Маълумотларга кўра, Хитой ҳукумати мамлакат ҳарбий ҳаво кучларини янги қурол ва техника билан жиҳозлашга қарор қилган. Бугунги кунда Хитой ҳарбий ҳаво кучларида Россиянинг ўта замонавий «Су-27» русумли қирувчи самолётлари мавжуд. Уқин орда улар сафига Хитойнинг ўзида ишлаб чиқарилажак замонавий «Цзян-10» русумли қирувчи самолётлар келиб қўшилади.

(УЗА).

Нодир қўлёмалар намоиши

Тошкентдаги Темиурлар тарихи давлат музейида Хиндистоннинг машҳур Рампур Раза кутубхонаси маъмурлари томонидан ташкил қилинган кўргазманинг таянчлари очилиш маросими бўлиб ўтди. Хиндистон ва Узбекистон Мустақиллик байрамлари тadbирларининг бир қисми ҳисобланмиш ушбу воқеа нафакат республикамиз, балки Марказий Осиё илмий маданий ҳаётида ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Авалло шунинг таъкидлаб ўтиш керакики, 1794 йили Рампур давлати пайдо бўлиши билан унинг асосчиси Сайид Файзуллох Хон томонидан ташкил этилган бу зиё маскани экспонатлари дунёда биринчи марта бизнинг юртимизда намоиш этилмоқда.

Турк, араб, форс тилларидаги қадимий, нодир қўлёмалар ҳамда миниатюралар, улардан кўчирмалар, фотонусхалар бевосита қадим Туркистон тарихи, маданияти, айниқса Амир Темиур бобомиз унинг авлодлари ҳукм сургани давлрлар билан боғлиқдир. Соҳибқироннинг ҳаёти, тарихи, давлатни бошқариш тамойиллари ҳамда усмонли подшоҳлари ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи асарлар, Мирзо Улугбекнинг илмий асарлари, Бобурнинг «Тузатишлар Шох Бобур томонидан киртилган», дея Шохжаҳон тасдиқлаган шеърый девони, «Насабнома» (Тарихи Туркистон), «Кайсарнома», «Сафарномаи Бухоро» каби бебаҳо дурдоналар шулар жумласидандир.

Кўргазманинг очилиш таянчасида Хиндистон Республикасининг Узбекистондаги Фавқуллода ва мухтор элчиси Мелкулангара Ку-

маран Бхадракумар ва Узбекистон Фанлар Академияси президенти Тўхтамурод Жўраев сўзга чиқди.

Биз фурсатдан фойдаланиб кўргазма ташкилотчиси парламент ва кутубхона аъзоси Козим Али Хон жанобларини сўхбатга тордик.

— Мен собиқ Рампур давлати навоб (ҳукмдорлар) авлодидан бўлман. Боболаримдан Рампурда ажойиб биналар, масжид, мадрасаларгина эмас, балки улкан кутубхона ҳам мерос бўлиб қолган. Катта бобом ташкил қилган кутубхонани унинг неваралари Мухаммад Сайид Хон, Қалби Али Хон, Хамид Али Хонлар кенгайтириб ривожлантирганлар, авайлаб-асраганлар. Айниқса, 1930 йили бобом Сайид Раза Али Хон тахтга чиққандан сўнг кутубхона тубдан янгиланиб, қўлёмаларга тартиб берилди. Шунинг учун ҳам кутубхонага унинг номи қўйилган. Мен ҳам ота-боболарим бошлаб берган эзгу ишни давом эттираман.

Кутубхонанинг илк кўргазмасини Узбекистонга олиб келишимизнинг сабаби бор. Очиги, онамнинг ота-боболари асли саманкандлик бўлишган. Шунинг учун ҳам биз улардан қолган бебаҳо меросни аввал Узбекистонликларга кўрсатишни лозим топдик.

Асрлар қарида авайлаб-асраган, буюк боболаримиз мадҳ этилган, уларнинг муборақ кўллари теккан дурдоналар, уларнинг кўчирма нусхалари кўргазмаси 13 сентябрда Тошкентда, 14-17 сентябрь кунлари эса Бухорода намоиш этилади.

Катта лейтенант А. УСМОНОВ.

— ҚИСҚА САТРЛАРДА —

РЕСПУБЛИКАМИЗ



ЯНГИЛИКЛАРИ

Тошкентда Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро жамоатчилик маркази фаолият бошлаганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Мазкур марказ оммавий ахборот воситалари муаммоларига бағишлаб турқум семинарлар ўтказишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

Марказда «Оммавий ахборот воситалари демократия шариҳи» журналистлар фаолиятининг ҳуқуқий асослари» мавзусида бошланган семинар ана шу ҳайрли ишларнинг дебютидир.

Семинарда Республика газеталарининг бош муҳаррирлари ва уларнинг ўринбосарлари ҳамда вилоят телерадиокомпаниялари раислари иштирок этмоқда. Бир ҳафта давом этадиган мазкур семинарда журналистларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, журналист этикаси, унинг эркин фаолият юритиши билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинади.

БМТнинг тараққиёт дастури асосида Қарши шаҳрида хотин-қизлар ўқув маркази очилди. Ушбу муассасани очилган мақсад хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини ошириш, уларнинг меҳнат фаолиятини такомиллаштириш, тadbиркорликка жалб этишдан иборат.

Марказ қопида ўқув курслари ва семинарлар ҳам ташкил қилинади, соғломлаштириш тadbирлари амалга оширилади. Хотин-қизлар бу ерда болалар тарбияси ва хўжалик юритиш масалалари юзасидан зарур маълумотлар, фойдали маслаҳатлар олиши мумкин.

27 август кунини янги экологик вазият минтақаси бўлиши Оролбўйига, «Саломатлик» поезди жўнаб кетганиди. Пойтахтдан келган шифокор ва ҳамширалар икки ҳафта давомида Қорақалпоғистоннинг Қўнғирот, Мўйноқ ва Учкўприк туманлари аҳолисини тиббий кўриқдан ўтказди, уларга зарур маслаҳатлар берди. Даволаш муассасаларига зарур дори-дармонлар топширилди.

«Экосан» халқаро экология ва саломатлик жамғармаси ташкил этган «Саломатлик» поезди алоҳида ёрдам ва муолажага муҳтож беморлардан айримларини Тошкентга олиб келиди. Беморлар пойтахт шифохоналарига жойлаштирилди.

«Фузен нусха кўчирини марказлари» номли Узбекистон-Америка-Буюк Британия қўшма корхонаси Фарғона шаҳрида ўз бўлимини очди. Бу ерга энг замонавий ва мукамал нусха кўчирини ва кўпайтириш техникаси ўрнатилган. Шу пайтда фарғоналиклар хўжаликларни кўпайтириш ёки улардан нусха кўчирини учун босмаҳоналарга буюртма бериб, ҳафталаб кутар эдилар. Эндиликда «Фузен» ёрдамида уларнинг ташвишлари барҳам топади.

(УЗА).

ПОНЕДЕЛЬНИК

15 СЕНТЯБРЯ

УТВ I
10.00, 14.00, 18.00 Новости.
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Хадатанома»
8.30 «Убектефильм»...

ВТОРНИК

16 СЕНТЯБРЯ

УТВ I
10.00, 14.00, 18.00—Ново-
сти.
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»

8.00 «Ахборот».
8.25 Обзор республиканс-
ких газет.
8.35 Концерт Гулбахор Су-
лаймановой.
8.55 «Уважаемый леший»...

дар ешкандан картаймай-
ди...» Қайрат Жумагалиев.
19.50 Салон «Успех».
20.00 Елим-ай
20.30 Третий сектор.
18.10 Мультифильм.
18.10 «Кус долы»...

СРЕДА

17 СЕНТЯБРЯ

УТВ I
10.00, 14.00, 18.00 — Но-
вости.
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот»...

риал.
23.20 «Хайрли тун!»
Каз.ТВ
13.00 П Центральноазиатс-
кие игры. Бокс.
18.10 Мультифильм.
18.10 «Кус долы»...

ЧЕТВЕРГ

18 СЕНТЯБРЯ

УТВ I
6.30 «Ассалом, Ўзбекис-
тон!»
8.00 «Ахборот».
8.25 «Зиллол-97». Телефе-
стиваль фольклорно-этногра-
фических ансамблей...

19.50 «Шалом».
20.20 «На волне '02».
20.35 «Компьютер-рею».
20.50 «Президенты Амери-
ки».
21.20 «Интерспорт».
21.30 «Минг бир масла-
хат»...

ПЯТНИЦА

19 СЕНТЯБРЯ

УТВ I
10.00, 14.00, 18.00 Новости.
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот»...

ОРТ
6.30—8.00 «Доброе утро».
17.20—21.45
РОССИЙСКОЕ
ГОСУДАРСТВЕННОЕ
ТЕЛЕВИДЕНИЕ
21.50—22.15
«Магия Дэвида Коп-
перфильда». 1-я часть.
22.55 «Ахборот» (рус.)...

СУББОТА

20 СЕНТЯБРЯ

УТВ I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.25 «Зардулар». «Нур со-
хилари» Премьера «Узбек-
тефильма»...

УТВ IV
17.10 Турецкое телевидение.
18.45 Мультикарusel.
19.05 «Школа разбитых сер-
дец».
19.25 «Даллас».
21.45 Программа телекомпани-
«Дурдаршан»...

ВОСКРЕСЕНЬЕ

21 СЕНТЯБРЯ

УТВ I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.25 «Радула». Кинопро-
грамма для детей.
10.00 «Ватанимга хизмат
киламан»...

УТВ II
17.10 Турецкое телевидение.
18.45 Мультикарusel.
19.05 «Школа разбитых сер-
дец».
19.25 «Даллас».
21.45 Программа телекомпани-
«Дурдаршан»...

СРЕДА

17 СЕНТЯБРЯ

ОРТ
14.00 Новости (с сурдопе-
реводом).
14.20 «Драконы подзем-
ной». Мультикарusel.
14.45 Марафон.15.
15.05 Звездный час.
15.40 «Гарри — снежный
человек»...

УТВ III
18.05 «Магия Дэвида Коп-
перфильда». 2-я часть.
ОРТ
18.50 «Табнат шифохона-
си».
19.00 «Олтин кент» («Золо-
той город»).
19.10 «Дилором наволар».
19.30 «Ахборот» (рус.)...

СРЕДА

17 СЕНТЯБРЯ

ОРТ
14.00 Новости (с сурдопе-
реводом).
14.20 «Драконы подзем-
ной». Мультикарusel.
14.45 Марафон.15.
15.05 Звездный час.
15.40 «Гарри — снежный
человек»...

УТВ IV
17.10 Турецкое телевидение.
18.45 Мультикарusel.
19.05 «Школа разбитых сер-
дец».
19.25 «Даллас».
21.45 Программа телекомпани-
«Дурдаршан»...

СРЕДА

17 СЕНТЯБРЯ

ОРТ
14.00 Новости (с сурдопе-
реводом).
14.20 «Драконы подзем-
ной». Мультикарusel.
14.45 Марафон.15.
15.05 Звездный час.
15.40 «Гарри — снежный
человек»...

УТВ V
17.10 Турецкое телевидение.
18.45 Мультикарusel.
19.05 «Школа разбитых сер-
дец».
19.25 «Даллас».
21.45 Программа телекомпани-
«Дурдаршан»...

СРЕДА

17 СЕНТЯБРЯ

ОРТ
14.00 Новости (с сурдопе-
реводом).
14.20 «Драконы подзем-
ной». Мультикарusel.
14.45 Марафон.15.
15.05 Звездный час.
15.40 «Гарри — снежный
человек»...

ТЕЛЕПРОГРАММА ОРТ, РОСС. ТВ, ТВ-6 ДЛЯ АБОНЕНТОВ
СПУТНИКОВОГО И КАБЕЛЬНОГО
ТЕЛЕВИДЕНИЯ
ПОНЕДЕЛЬНИК
15 СЕНТЯБРЯ
ОРТ
14.00 Новости (с сурдопе-
реводом)...

(Окончание.
Начало на 5-й стр.)

ТВ-6

Профилактика до 16.00.
16.05 Кинотеатр ТВ-6. «Белый пароход».
18.05 «Флиппер». 49-я серия.
18.35 Диск-канал.
19.10 Аптека.
19.20 Дорожный патруль.
